

**Сурхондарё вилояти 2018 йил январ-июл ойлари учун  
иктисодий фаолият турлари бўйича  
чакана савдо товарайлланмаси кўрсаткичлари**

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва самарали бандлигини таъминлашда савдо соҳасини ҳар томонлама ривожланиши муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожлангаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун савдо соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўйишмоқда. Савдо соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

Чакана савдо соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш натижасида Сурхондарё вилоятида 2018йил январ-июл ойларида чакана савдо товарайлланмаси ҳажми 4409,0 млрд сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,9 фоиз ўсишни таъминлади.

Жадвал 1


**2018 йил январ-июл ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича  
чакана савдо товарайлланмаси (туманлар кесимида)**

Чакана савдо товарайлланмаси, умумовқтланиш қўшган ҳолда	Млрд сўм.	Ўсиш суръати % да
<b>Вилоят бўйича</b>	4409,0	102,9
<b>Термиз шаҳар</b>	892,8	103,8

**Туманлар:**

<b>Ангор</b>	203,1	101,4
<b>Олтинсой</b>	193,8	100,5
<b>Бойсун</b>	190,2	100,8
<b>Денов</b>	948,3	104,8
<b>Жарқурғон</b>	243,3	100,4
<b>Қумқурғон</b>	197,5	101,0
<b>Қизириқ</b>	201,9	101,0
<b>Музработ</b>	179,2	101,5
<b>Сариосиё</b>	195,7	104,7
<b>Термиз туман</b>	118,5	104,0
<b>Узун</b>	175,0	100,5
<b>Шерабод</b>	260,8	104,1
<b>Шўрчи</b>	408,9	102,4

**2018 йил январ-июл ойларида фаолият турлари бўйича чакана савдо товарайланмаси (туманлар кесимида улуши)**



Таркибий тузилмага эътибор берадиган бўлсак, чакана савдо товарайланмасида Денов (21,5 фоиз), Термиз шаҳар (20,2 фоиз), Шўрчи (9,4фоиз), Жарқурғон (5,5фоиз) туманлари улуши юқори бўлди. Энг кам натижани Термиз туман (2,7 фоиз) туманида қайд этди.

**2018 йил январ-июн ойларида кичик тадбиркорликнинг чакана савдо товарайланмасидаги улуши (фоизда )**

Кичик тадбиркорлик  
91,8%

Йирик корхоналар  
8,2 %

2018 йил январ-июл ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сеъектларининг чакана савдо товарайланмасидаги улуши (91,8 фоиз)ни ташкил этди. Шунингдек кичик тадбиркорликнинг ривожланиши чакана савдо товарайланмасида асосий таянчга айланмоқда. Бугунги кунда, вилоят ахолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада ошиб бориши орқали, озиқовқат ва ноозик-овқат товарларга бўлган талаб кескин ўзгармоқда ва ўз-ўзидан чакана савдо товарайланмаси йиллар давомида мунтазам ошмоқда.